



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI  
DAVLAT VA HUQUQ INSTITUTI

# АКАДЕМИК ҲОЖИ-АКБАР РАҲМОНҚУЛОВ ЎҚИШЛАРИ

РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ  
КОНФЕРЕНЦИЯСИ  
МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ



ТОШКЕНТ – 2023

Мазкур тўпладан Ўзбекистон Фанлар академияси ташкил этилганининг 80 йиллиги доирасида Давлат ва ҳуқуқ институтида 2023 йил 6 ноябрида бўлиб ўтган “Академик Ҳожи-Акбар Раҳмонқулов ўқишлари” мавзусидаги Республика илмий конференцияси материаллари ўрин олган. Материаллар хусусий ҳуқуқнинг турли соҳаларига бағишланган.

**Академик Ҳожи-Акбар Раҳмонқулов ўқишлари.** Илмий тўплам / Масъул муҳаррирлар: О.Оқюлов, М.Х.Баратов. –Тошкент: ЎзФА Давлат ва ҳуқуқ институти, 2023. 436 б.

**Нашр учун масъуллар:** М.Турғунов, О.Оқюлов, И.Насриев, М.Х.Баратов, Ш.Рахматуллаев, А.Тешабоев

**Масъул муҳаррирлар:** О.Оқюлов, М.Х.Баратов

Мазкур нашрда Тошкент давлат юридик институти томонидан 2010 йилда “Ўзбекистон” нашриётида чоп этилган “Академик Ҳожи-Акбар Раҳмонқулович Раҳмонқулов” китобидан ижодий фойдаланилди.

Тўплам материалларида келтирилган факт, рақам ва бошқа далиллар учун муаллифлар масъулдирлар.

## Сўзбоши

Сўнгги йилларда Янги Ўзбекистонда илм-фанни янада тараққий эттириш, илмий ташкилотларнинг илмий-инновацион фаолияти самарадорлигини ошириш, соҳа ходимлари ва олимларга бўлган эътиборни кучайтириш, уларнинг илмий-амалий тажрибасидан изчил фойдаланилган ҳолда замонавий билимга эга ва мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш соҳасида муҳим ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда.

Хусусан, 2023 йил 9 сентябрда Фанлар академиясининг мамлакатимизнинг илмий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги юксак ўрни ва аҳамиятини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ташкил топганлигининг 80 йиллигига бағишланган юбилей тадбирларини ўтказишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди.

Унга мувофиқ юбилей тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тасдиқланган чора-тадбирлар дастуридан “Илм-фан – Янги Ўзбекистон пойдевори” мавзусида халқаро конференцияни ўтказиш, инновацион ишланмалар кўргазмасини ташкил этиш, Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигига танлов ўтказиш, “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг тарихи” экспозициясини ташкил этиш каби қатор чоралар белгиланган.

Мазкур қарордан кўзланган яна бир эзгу мақсад – илм-фан фидойилари, академик олимларимизнинг кўп йиллик бой илмий-назарий ва амалий тажрибасини ёш тадқиқотчи-олимлар орасида оммалаштиришдир.

Шу ниятда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Давлат ва ҳуқуқ институти томонидан Ўзбекистон Республикаси ФА академиги, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, юридик фанлар доктори, профессор Ҳожи-Акбар Раҳмонқулов ўқишлари ташкил этилмоқда. Зеро, устозларга эҳтиром кўрсатиш, уларни ёд этиш, уларнинг тажрибасини ёш авлодга етказиш – муқаддас бурчдир.

Академик Ҳожи-Акбар Раҳмонқулов ҳақида сўз кетар экан, таъкидлаш лозимки, устозимиз Ўзбекистонда юридик фанларнинг фуқаролик, хўжалик, оила ва халқаро хусусий ҳуқуқ каби муҳим соҳалари бўйича нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон академик ҳамжамияти доирасида эътироф этилган беназир олимдир. Зотан, Ҳ.Раҳмонқулов 2000 йилда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича хизматлари учун БМТнинг олтин нишони билан тақдирланди.

Қайд этиш лозимки, ўтказилаётган мазкур тадбир доирасида Ҳожи-Акбар Раҳмонқулов яратган илмий мактаб тажрибасини чуқур ўрганиш ва ҳаётга изчил татбиқ этиш, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий муаммолари, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳуқуқий майдонидан муносиб ўрин олиши билан бевосита боғлиқ масалаларни муҳокама қилиш ва чуқур ўйланган илмий таклифлар тайёрлаш мақсад қилинган.

Академик Ҳожи-Акбар Раҳмонқулов 1925 йил 2 сентябрда Чимкент вилоятининг Сайрам қишлоғида деҳқон оиласида туғилган. Унинг илмий фаолияти мамлакатимиз учун ўта оғир ва таҳликали бўлган Иккинчи Жаҳон уруши йилларига тўғри келган. 1943-1945 йилларда уруш қатнашчиси сифатида бир қатор орден, медаллар билан тақдирланган.

Урушдан сўнг 1946-1950 йилларда Тошкент юридик институтда таҳсил олиб, ҳуқуқшунослик соҳасидаги серқирра ва самарали илмий-амалий фаолиятини бошлаган. У қисқа вақт мобайнида Адлия вазирлиги, Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмларида, илмий журнал таҳририятида фаолият кўрсатди. Лекин ўзининг иқтидори илм-фанда эканини англаб, аспирантурада таҳсил олди, аввал номзодлик, кейин эса докторлик диссертациясини шараф билан ҳимоя қилди.

Устоз Ҳожи-Акбар Раҳмонқулов Ўзбекистон Республикаси ФА И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг илмий ходими, шўба мудири, институт директори сифатида фаолият олиб бориб, шу даврда юридик фан ривожига улкан ҳисса қўшди.

1991 йил февраль ойида Ҳожи-Акбар Раҳмонқулов Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси лавозимига таклиф қилинди. Унинг бу лавозимда ишлаш даври республикаимиз ҳаётидаги улкан тарихий воқеаларга тўғри келди. Ўзбекистон ўзини суверен давлат деб эълон қилди, республиканинг мустақил давлат сифатидаги ҳуқуқий мақомини аниқлаш, Ўзбекистоннинг ижтимоий тизими ва давлат қурилиши ривожининг сифат жиҳатидан янги босқичини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Конституциясини ишлаб чиқиш, шунингдек янги ижтимоий-сиёсий шароитда бошқа суверен республикалар билан ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини аниқлаш тўғрисидаги масала кўндаланг бўлди. Ҳ.Раҳмонқулов Конституциявий комиссиянинг аъзоси бўлиб, мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси лойиҳасининг “Жамият ва шахс” бўлимини тайёрловчи ишчи гуруҳига раҳбарлик қилди.

Академик Ҳ.Раҳмонқулов юридик фанлар соҳасида 300 дан зиёд илмий ишни амалга оширди, жумладан 50 дан зиёд монография, китоб, дарсликларга муаллифлик қилди. Унинг илмий асарларида ҳўжалик юритиш соҳасидаги иқтисодий муносабатларнинг ижтимоий-ҳуқуқий хусусиятлари, шунга мувофиқ равишда амалиётда мақбул, анча монанд ҳуқуқий тартибга солиш шакллари жорий этиш зарурлиги ҳақидаги асосли назарий қоидалар мавжуд.

Академик Ҳ.Раҳмонқулов Ўзбекистоннинг янги Фуқаролик кодекси ҳамда Оила кодексини ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳ раҳбари сифатида фаолият юритган. Шу боисдан, у ҳақли равишда МДҲ илмий жамоатчилиги вакиллари томонидан “Марказий Осиё цивилистика фанининг отахони” сифатида эътироф этилган.

Ҳ.Раҳмонқулов фақат Ўзбекистон учун эмас, балки дунёнинг бошқа мамлакатлари учун ҳам илмий кадрлар тайёрлаш ишига салмоқли ҳисса қўшди. У ўзининг илмий-педагогик фаолияти давомида 18 та докторлик ва 59 та номзодлик диссертацияларига бевосита раҳбарлик қилди. Шу

жумладан, уларнинг орасида Тожикистон, Туркменистон, Озарбайжон, Иорданиядан фан докторлари ва номзодлари бор. Ҳ.Раҳмонкулов томонидан тайёрланган кадрлар олий ўқув юртларида ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида муваффақиятли ишламоқдалар.

Ўзбекистон илмий жамоатчилиги ва ҳукумати томонидан Ҳожи-Акбар Раҳмонкуловнинг республикамизда ҳуқуқ фанини ривожлантириш ва юқори малакали илмий кадрлар – фан докторлари ва номзодларини тайёрлашдаги хизматлари юксак баҳоланди. 1990 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармониға биноан “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби” фахрий унвони берилди, 1994 йилда Ўзбекистон Республикаси ФА мухбир аъзоси, 2000 йилда эса академиги этиб сайланди.

Йирик ҳуқуқшунос олим, моҳир педагог ва илмий кадрлар мураббийси, давлат ва жамоат арбоби Ҳожи-Акбар Раҳмонкулович Раҳмонкуловнинг илмий мероси, цивилистика фанини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси беқиёс бўлиб, уни ўрганиш, ёш авлодга етказиш олдимизда турган долзарб вазифалардан биридир. Бугун ташкил этилаётган академик Ҳожи-Акбар Раҳмонкулов ўқишлари шу йўналишда қўйилган қадамдир.

**Академик А.Саидов**

| <b>М У Н Д А Р И Ж А</b>                                                                                                                                                                   |       |
|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------|
| <b>Академик А. Саидов</b> Сўзбоши.....                                                                                                                                                     | 3-5   |
| <b>Ҳаёти ва фаолиятининг асосий саналари</b> .....                                                                                                                                         | 6-10  |
| <b>Илмий, педагогик ва ижтимоий фаолиятининг қисқача тавсифи..</b>                                                                                                                         | 10-24 |
| <b>Ҳ.Р.Раҳмонқуловнинг эълон қилинган асарлари рўйхати</b> .....<br>1. Монографиялар, китоблар, дарсликлар<br>2. Илмий, илмий-оммабоп ва публицистик ишлар<br>3. Мухаррирлик фаолияти      | 24-46 |
| <b>Халқаро ва республика конференциялари ва семинарларидаги айрим илмий маърузалар, нутқлар</b> .....                                                                                      | 47-55 |
| <b>Кадрлар тайёрлаш докторлик ва номзодлик диссертацияларига раҳбарлик</b> .....<br>I. Юридик фанлар докторлари<br>II. Юридик фанлар номзодлари<br>III. Диссертацияларга оппонентлик қилиш | 56-61 |
| <b>Ҳ.Р.Раҳмонқулов фаолиятига доир адабиётлар ва ҳужжатлар</b> .....                                                                                                                       | 62-63 |

#### **ИЛМИЙ ЧИҚИШЛАР**

|                                                                                                                                                                                            |         |
|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------|
| <b>Окюлов Омонбой</b> Тижорат бошқарув менежерлар корпусидан давлат бошқарув фаолиятида фойдаланишни ташкилий-ҳуқуқий муаммолари.....                                                      | 64-70   |
| <b>Рузиназаров Шухрат Нуралиевич</b> Ҳожиакбар Раҳмонқуловнинг тадбиркорлик ҳуқуқи фанини ривожлантиришдаги ўрни ва роли.....                                                              | 70-89   |
| <b>Норматов Нуриддин Соатмуродович</b> Устозларга эҳтиром кўрсатиш, уларни ёд этиш – муқаддас бурч ( <i>Академик Ҳожи-Акбар Раҳмонқулов хотирасига</i> ).....                              | 89-92   |
| <b>Турғунов Мурод Турсунбоевич</b> “Авесто”да никоҳ: тушунча, моҳият, оқибат ва хулосалар.....                                                                                             | 92-100  |
| <b>Рашидов Комил Каюмович</b> Сифатли таълим олишни таъминлашнинг муҳим масалалари (халқаро хусусий ҳуқуқ фани мисолида).....                                                              | 100-106 |
| <b>Насриев Илҳом Исмоилович</b> Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексини такомиллаштиришнинг айрим масалалари.....                                                                      | 107-114 |
| <b>Баратов Миродилжон Хомуджонович</b> Шахсий ҳуқуқларнинг фуқаролик-ҳуқуқий режимига доир ( <i>юридик шахсларнинг шахсий ҳуқуқлари; давлат репутацияси, давлат имижиси кабилар</i> )..... | 114-123 |
| <b>Рузиев Рустам Джаббарович</b> Фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар таснифи масаласига доир.....                                                                                                | 123-133 |
| <b>Имомов Нурилло Файзуллаевич</b> Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг янги таҳрири лойиҳасида “фуқаролик қонунчилигига”га оид янгиликларнинг илмий-назарий таҳлили.....         | 133-146 |

|                                                                                                                                                                                          |         |
|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------|
| <b>Тошев Бобокул Норқобилович, Тошев Зафар Бобоқулович</b> Ўзбекистоннинг муаллифлик ҳуқуқини халқаро-ҳуқуқий муҳофаза қилишда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги.....                 | 146-155 |
| <b>Усманов Марифджон Шакирович</b> Укрепление конституционно-правовых основ защиты частной собственности.....                                                                            | 156-161 |
| <b>Усмонов Муҳаммади Бахриддинович</b> Ерга нисбатан мулк ҳуқуқини такомиллаштириш истикболлари.....                                                                                     | 161-167 |
| <b>Топилдиев Баҳромжон Раҳимжонович</b> Мол-мулкни ишончли бошқариш тушунчаси ва унинг шаклланиши.....                                                                                   | 167-174 |
| <b>Чориев Мурод Шокиржонович</b> Мулкни тасарруф этишга қаратилган шартномаларни тизимлаштиришнинг илмий-назарий муаммолари.....                                                         | 174-178 |
| <b>Nematov Jo'rabek Nematilloevich</b> Ishonchning himoya qilinishi prinsipi – ma'muriy huquqning muhim prinsipi sifatida.....                                                           | 178-187 |
| <b>Кулдашев Нуриддин Абдуганиевич</b> Деликт институтини ривожлантиришнинг муҳим жиҳатлари.....                                                                                          | 187-193 |
| <b>Караходжаева Дилором Мамировна</b> О некоторых вопросах совершенствования гражданско-правовых механизмов защиты права собственности и других вещных прав в Республике Узбекистан..... | 194-206 |
| <b>Эргашев Восид Ёқубович</b> Чекланган ашёвий ҳуқуқлар тизимини такомиллаштириш масалалари.....                                                                                         | 206-215 |
| <b>Юлдашев Жаҳонгир Иномович</b> Ошкор қилиниши зарур бўлган корпоратив маълумотларнинг умумий хусусиятлари (акциядорлик жамиятлари мисолида).....                                       | 215-220 |
| <b>Мехмонов Қамбариддин Мирадхамович</b> Саноат мулки янги объектларининг ҳуқуқий тавсифи.....                                                                                           | 220-226 |
| <b>Рахматуллаев Шавкат Муҳаммадалиевич</b> Ўзбекистонда иқтисодий ислохотлар: асосий йўналишлари ва натижалари (1991-2016 йиллар).....                                                   | 227-234 |
| <b>Назаров Насриддин Атақулович</b> Фуқаролик жамияти шароитида миллий тотувликни таъминлашнинг айрим жиҳатлари.....                                                                     | 234-239 |
| <b>Одинаев Адҳам Саъдуллоевич</b> Фуқаролик кодексининг мажбурият-ҳуқуқий муносабатларга оид баъзи нормалари юзасидан мулоҳазалар.....                                                   | 239-249 |
| <b>Қаллибеков Тоғайторе Шинибекевич</b> Таълим кредити шартномаси                                                                                                                        | 249-252 |
| <b>Ғуломов Акмал Шуқуриллаевич</b> Академик Ҳожи-Акбар Раҳмонқулов асарларида қишлоқ хўжалигида шартнома институтининг тадқиқ қилиниши.....                                              | 253-256 |
| <b>Сайдивалиева Хуршида Ходжаикбаровна</b> Эр ва хотиннинг мулкӣ муносабатларини тартибга солувчи оилавий ҳуқуқий шартномалар ҳамда уларнинг юридик табиати.....                         | 256-261 |
| <b>Худайбердиева Гулнора Аманмуродовна</b> Турдош ҳуқуқларни                                                                                                                             |         |

|                                                                                                                                                                                                                                        |         |
|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------|
| химоя қилишда судларнинг иштироки.....                                                                                                                                                                                                 | 261-266 |
| <b>Улугбеков Баходир Абдасович</b> Фуқаролик-ҳуқуқий химоя қилиш объекти сифатида шаън, қадр-қиммат, ишчанлик обрўси ҳамда у билан боғлиқ айрим масалалар.....                                                                         | 266-271 |
| <b>Давлетов Ўткирбек Матмуротович</b> Фуқаролик суд ишларини юритишни жадаллаштиришнинг айрим масалалари.....                                                                                                                          | 272-279 |
| <b>Саидов Мақсудбек Норбоевич</b> Масъулияти чекланган жамият иштирокчисининг имтиёзли ҳуқуқи ва ушбу ҳуқуқни химоя қилиш усуллари.....                                                                                                | 279-285 |
| <b>Маҳмудходжаева Умида Муминовна</b> Болаларни оилавий зўравонликдан химоя қилишнинг айрим масалалари.....                                                                                                                            | 285-294 |
| <b>Квитков Ярослав Михайлович</b> Некоторые аспекты проведения административной реформы в Республике Узбекистан.....                                                                                                                   | 294-300 |
| <b>Боротов Алишер Хомидович</b> Хусусий мулк ҳуқуқи борасида кафолатларни амалга ошириш.....                                                                                                                                           | 300-308 |
| <b>Раҳимжонов Акмалжон Баҳромжон ўғли</b> Кўчмас мулкни сотиш шартномаси.....                                                                                                                                                          | 308-314 |
| <b>Рустамова Нилуфар Рустамовна</b> Никоҳни қайд этишга оид меъёрларни бузганлик учун жавобгарлик хусусида.....                                                                                                                        | 314-320 |
| <b>Қулмуродов Улугбек Исломович</b> Ўзбекистон республикаси ички ишлар вазирлиги тизимидаги таълим муассасаларининг юридик шахс сифатида ҳуқуқий белгилари.....                                                                        | 320-327 |
| <b>Бакаев Шаҳриёр Бахтиёрович</b> Маъмурий суднинг тўлақонли мустақиллигини таъминлашда замонавий механизмлар аҳамияти.....                                                                                                            | 327-332 |
| <b>Холбазаров Толкин</b> Место комиссий по трудовым спорам в рассмотрении индивидуальных трудовых споров.....                                                                                                                          | 332-336 |
| <b>Азизов Ниғмонжон Пардаевич</b> “Авесто” – фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи муҳим тарихий-ҳуқуқий манба.....                                                                                                        | 336-339 |
| <b>Назаров Равшан Ринатович, Алиева Вилоят Ринатовна</b> Административно-правовые аспекты регулирования межэтнических отношений в УзбекистанеАдминистративно-правовые аспекты регулирования межэтнических отношений в Узбекистане..... | 340-345 |
| <b>Тешабоев Акбаршоҳ Адҳамжон ўғли</b> Маъмурий ислохотлар шароитида ёшларнинг қонун ижодкорлиги жараёнидаги иштирокини таъминлашнинг долзарб масалалари: хорижий давлатлар тажрибаси таҳлили.....                                     | 345-348 |
| <b>A'zamova Gulbahor A'zamovna</b> The importance of using artificial intelligence technologies in law enforcement.....                                                                                                                | 348-353 |
| <b>Omirezakov Rustem Abdirazak uli</b> Forest as an object of civil law: legal perspectives and implications.....                                                                                                                      | 353-358 |
| <b>Азизов Худойқул Тожиевич, Назаров Шербек Улугбек ўғли</b> Ўзбекистонда ер участкасига бўлган мулкый ҳуқуқларга оид қонунчиликнинг ривожланиши ва уни такомиллаштириш масалалари.                                                    | 358-372 |

|                                                                                                                                                              |         |
|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------|
| <b>Тошқулов Жўрабой</b> Ўзбекистон тадбиркорлик ҳуқуқи тарихига бир назар.....                                                                               | 372-376 |
| <b>Раҳмонқулова Нилуфар Ҳожи-Ақбаровна</b> Халқаро хусусий ҳуқуқ кодификацияси тушунчаси ва моҳияти.....                                                     | 376-384 |
| <b>Синдаров Комил Ойдинович</b> Ҳар бир гапи ҳикмат эди устознинг (Устоз, академик Ҳожи-Ақбар Раҳмонқуловни хотирлаб).....                                   | 384-385 |
| <b>Матқурбанов Рашид Жолдасбоевич</b> Классификация личных не-имущественных прав ребенка.....                                                                | 385-391 |
| <b>Ашурова Наргиза Азамовна</b> Янги Ўзбекистонда тадбиркорлик соҳаси қонунчилигининг тадрижий ривожланиши.....                                              | 392-399 |
| <b>Ҳажиев Улуғбек Қўзибоевич</b> Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар объекти сифатида корхонанинг миллий ва хорижий цивилистика қонунчилигида ҳуқуқий режими..... | 400-403 |
| <b>Абдурасулов Ўқтамжон Марифжонович</b> Оиланинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришнинг айрим масалалари.....                                               | 403-408 |
| <b>Аллаярова Муаттар Чарияровна</b> Уй-жой мулкдорини оила аъзоларини уй-жойдан фойдаланиш бўйича ҳуқуқларини мазмуни ва уни амалга ошириш хусусиятлари..... | 408-413 |
| <b>Салимова Диёрахон Бахтиёржон кизи</b> Законный режим имущества супругов.....                                                                              | 413-418 |
| <b>Самарходжаев Ботир Билолович</b> Ходжи-Ақбар Раҳманқулович Раҳманқулов – ученый, наставник, прекрасный человек.....                                       | 418-421 |
| <b>Билолходжаева Азизахон</b> 60 – летие Великой Победы.....                                                                                                 | 422-425 |
| <b>Axmedova Moxigul Faxridin qizi</b> Xalqaro xususiy huquqda ota-onalik huquqlarini cheklash hamda mahrum qilish muammolari.....                            | 426-431 |